



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2024-yil 15-yanvar

№ 1/1

Toshkent sh.

2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда 2024 йил давомида амалга ошириладиган муҳим вазифалар тўғрисида

Вазирлик хайъати қайд этадики, 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПКҚ-5132-сонли қарори асосида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, *"Ijro.gov.uz"* ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини ягона ва узлуксиз *"технологик занжир"* асосида ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳар чорак якуни бўйича вазирликнинг хайъат йиғилишларида, ҳар ой якуни билан вазирлик марказий аппарати йиғилишларида, ҳар ҳафта жума куни вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ва ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида танқидий руҳда муҳокама қилиниб борилган.

Ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш, *"Ijro.gov.uz"* ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз ташкил ва таъмин этиш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида 2023 йилнинг 30 март ва 15 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг *ZOOM платформаси орқали видео-конференция (ВКА) шаклидаги ўқув-амалий семинарлар ўтказилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи *"Ijro.gov.uz"* ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги ҳужжатлар рўйхати шакллантирилиб, вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқларига расман таништирилиб, ижро муддати яқинлашиб келаётган ва ижроси кечиктирилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳар куни эслатма тариқасида ҳар икки соатда тарқатиб борилган.

Бунинг натижасида, 2023 йил давомида *"Ijro.gov.uz"* ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида назоратда бўлган жами 1 570 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида

вазирликка юклатилган топшириқлардан 1 518 таси, яъни 96,4 фоизи ижроси ўз белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли қилиб таъминланган бўлиб ўрнатилган тартибда ягона ва узлуксиз *“технологик занжир”* асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатасидан назоратда чиқарилган.

Лекин, 2023 йил давомида вазирлик марказий аппаратининг айрим бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари томонидан ижро интизомига риоя этиш, *“Ijro.gov.uz”* ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида назоратда бўлган ҳужжатлардан жами 52 та (*жами ҳужжатга нисбатан 3,6 фоиз*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси ўрнатилган муддатлардан кечиктириб бажарилишига йўл қўйилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йил давомида муддатлардан кечиктириб бажарилган 52 та топшириқларнинг 27 таси (52,0 фоизи) вазирнинг биринчи ўринбосарига (*вакант*), 15 таси (28,0 фоизи) вазир ўринбосари Д.Ходжахмедовга, 8 таси (16,0 фоизи) вазир ўринбосарига (*вакант*) 2 таси (*4,0 фоизи*) вазир ўринбосари Р.Қаршиевга бўйсинувчи бошқарма ва мустақил бўлимлар зиммасига тўғри келмоқда.

Ҳисобот даврида Сув хўжалигида капитал қурилиш ва мелиорация бошқармаси (М.Қурбонов) 15 та, Сув ресурслари ва ирригация тизимларидан фойдаланиш бошқармаси (Р.Комилов) 10 та, Стратегик режалаштириш ва методология бўлими (Х.Лапасов) 8 та, Ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими (Л.Насиров) 5 та, Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими (А.Дувлонов), Насос станциялари ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўлими (О.Абдуллаев) ҳамда Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази (Ш.Султонов) 3 тадан, шунингдек, Сувни тежайдиган, илмий ва инновацион технологияларини жорий қилиш бошқармаси (Д.Қдирбаев) томонидан 2 та ҳужжатлардаги топшириқлар белгиланган муддатида кечиктириб бажарилган.

2023 йил давомида вазирликнинг 25 та буйруғи ва 2 та ҳайъат қарорлари билан жами 58 та раҳбар-ҳодимларга шу жумладан, 8 та вазирлик марказий аппарати ҳамда 50 та республика ва ҳудудий тизим ташкилотлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ 42 та ҳайфсан эълон қилинган, 11 та раҳбар-ҳодимларга ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз (30) фоизи миқдорида жарима қўлланилган ва 7 та тизим ташкилотлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва 2024 йил давомида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, ҳайъат йиғилиши

Қарор қилади:

1. *“2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда 2024 йил давомида амалга*

ошириладиган муҳим вазифалар тўғрисида”ги ахборот маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **талаб даражасида эмас деб топилсин.**

Белгилаб қўйилсинки, келгусида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини амалга оширувчи **“Ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги ҳужжатларда белгиланган топшириқлар ижроси ўрнатилган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминланмаган тақдирда вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади, шунингдек, қўлланилган **“ҳайфсан” интизомий жазо чораси бир йил давомида муддатидан олдин олиб ташланмайди.**

3. 2023 йил давомида вазирликнинг 25 та буйруғи ва 2 та ҳайъат қарорлари билан жами 58 та раҳбар-ҳодимларга шу жумладан, 8 та вазирлик марказий аппарати ҳамда 50 та республика ва ҳудудий тизим ташкилотлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ 42 та ҳайфсан эълон қилинганлиги, 11 та раҳбар-ҳодимларга ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз (30,0) фоизи миқдорида жарима қўлланилганлиги ва 7 та тизим ташкилотлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

4. 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда 2024 йил давомида амалга ошириладиган муҳим вазифалар бўйича **“Йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

икки кун муддат ичида мазкур ҳайъат йиғилиши қарорини ҳар бир ходимга ўқиб эшиттириш, унинг мазмун-моҳиятини етказиш, **“Ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида назоратда бўлган топшириқларнинг ижроси белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминламаган тақдирда интизомий жазо чораси мукаддаслиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган мукофот пули ҳамда ҳар ойлик учун ҳисобланадиган лавозим маошларига устамалар берилмаслиги ҳақида расман огоҳлантириш орқали барча даражадаги раҳбар ва ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги **“Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий**

жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш;

2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда 2024 йил давомида амалга ошириладиган муҳим вазифалар бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни **ҳар ой якуни билан** вазирлик марказий аппаратининг йиғилишларида ҳамда ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа (ВКА) шаклида ўтказиладиган селектор йиғилишларида танқидий руҳда муҳокама қилинишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида 2024 йилнинг I ярмида назоратда бўлган **жами 338 та топшириқ**, шу жумладан, **жорий йилнинг январь ойи якунига қадар** назоратдан чиқарилиши лозим бўлган **1-картотекага қарашли** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнлари) **143 та ҳужжат ва 2-картотекага қарашли** (Вазирлар Маҳкамасининг назоратида бўлган Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, баёнлари ва топшириқлари) **7 та ҳужжат** ижроси юзасидан кунлик мониторинг ўрнатиш ҳамда топшириқларни белгиланган муддатда, тўлақонли ва сифатли қилиб бажариш;

вазирликка келиб тушаётган Сув ҳўжалиги соҳасига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ҳар битта ҳужжат бўйича **икки кун ичида** буйруқ лойиҳаси ва “Назорат режа” ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритиш;

вазирликнинг 2022 йил 11 январдаги “Вазирлик марказий аппаратида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 6-сонли буйруғининг ижросини сўзсиз таъминлаш, вазирликка келиб тушаётган барча ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари, шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралардан ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган барча ҳужжатларнинг ижросини **5 кунлик муддатда** таъминлаш, агар ушбу муддатда бажариш имкони бўлмаган тақдирда ҳужжат ижрога қаратилган куннинг ўзидаёқ ижро муддатини узайтириш юзасидан вазирга таклиф киритиш бўйича белгиланган ички тартиб-қоидага қатъий риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва (йиғилиш баёнлари) топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни **вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни ва вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари** муҳокама қилиб, баён билан расмийлаштириб борилишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ташкилий-назорат бўлими бошлиғи М.Ибрагимовга:

ҳар ойнинг 25 санасига қадар келгуси ойда ижроси таъминланиши ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидан назоратдан чиқарилиши лозим бўлган топшириқлар бўйича **Календарь режа** тайёрлаб эслатма ва ижро учун вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва

мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига етказиш;

ҳар ойнинг 25 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорига мувофиқ келгуси ойда ижроси таъминланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидан назоратдан чиқарилиши лозим бўлган топшириқлар рўйхати (1, 2 ва 3 картотекалар) тайёрланиб эслатма ва ижро учун вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига етказиш;

2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда 2024 йил давомида амалга ошириладиган муҳим вазифалар бўйича “Йўл харитаси” ижроси юзасидан тизимли мониторинг юритиш, унинг ижросини **вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни ва вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари** муҳокама қилинишини ташкил этиш;

вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва мустақил бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам равишда (**ҳар ой якуни билан**) таҳлил қилиб бориш, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан вазирлик раҳбариятига асосланган хулоса ва таклифлар (**интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан буйруқ лойиҳаси**) тақдим этиш вазифалари топширилсин.

7. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилишни вазирнинг тегишли ўринбосарларига юклаб, уни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат раиси



Ш. Хамраев